

ОЛОВ- ҲОМИЙ, ОЛОВ- ЭЗГУЛИК РАМЗИ

Каримова Феруза Мўминовна

БухДУ таянч докторанти.

Аннотация

Ушбу мақолада оловнинг фольклор асарларидаги поетик хусусияти, мавсумий ва оилавий-маиший, даволаш маросимларидаги хусусиятлари илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар; Прометей, мифларда олов, Хизр, маросим, эътиқод, образ, тасаввур, ҳаёт суви, эстетика ва ҳоказо.

Дунё фольклоршунослигида жаҳон халқлари олов култига ишончининг тарихий-асотирий илдизлари, “олов-ҳомий” тимсоли акс этган фольклор асарлари поэтикаси, мавсумий ва оилавий-маиший, даволаш маросимларининг қўшиқларида у билан боғлиқ қарашларнинг бадий ифодасини аниқлашга интилиш ва қизиқиш кучайиб бормоқда. Бу эса кишилиқ маданияти ҳамда халқ оғзаки поетик ижоди тараққиётининг ўзига хос тадрижий такомил белгилари ва эстетик тамойилларини аниқлаш имконини бериши жиҳатидан муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган шундай анъаналар борки, халқимиз руҳига чуқур сингиб, ҳатто эътиқод даражасига кўтарилганидан уларни ҳеч бир куч йўқотолмайди. Ана шундай анъаналардан бири олов култига ишончдир.

Халқнинг “олов ҳомий” ҳақидаги мифологик қарашлари олов мифологик образининг келиб чиқишига асос бўлган. Халқнинг тасаввурича, олов инсонларга уларнинг фаолиятида, турмушида, шуғулланадиган касб-корида ҳаммиша ёру мададкор бўлади.

Олов култи ҳақидаги қарашлар жуда қадимий бўлиб, улар исломгача шаклланган диний-мифологик тушунчаларга бориб тақалади. Аниқроғи, унинг илдизи руҳларга ишончдан иборат анимистик тасаввурлар билан туташ.

Олов култи ҳақидаги қарашлар бутун дунё мифологиясида кенг тарқалган ҳодисалардан биридир.

Қадимги мифларда олов сувдан ҳосил бўлгани айтилади. Айниқса, ҳинд Упанишад таълимоти файласуфлари олов коинотда сув каби айланиб юради, деб ҳисоблайдилар. Яна инсон оловдан яралган, чунки унинг вужуди иссиқ, ўлгач танасидаги олови ўчади, деб қаралган.

Хизр туркий халқларнинг нафақат ҳаёт суви, ҳосилдорлик, яшиллик, балки олов, иссиқлик тўғрисидаги мифологик тасаввурлари асосида ҳам яратилган анаъанавий образларидан биридир. Хизр образи аждодларимизнинг табиат уйғониши, сув, олов, ўсимлик ва аждодлар руҳига топиниш билан алоқадор қадимий қарашларини ўзида акс эттиради.

Озарбайжон олими М.Сейидовнинг фикрича, “Хизр” сўзининг этимологияси “олов”, “ўт” (ўсимлик) сўзлари билан алоқадордир.

Баъзи фолклоршунослар Хизр ёз (кўклам) илоҳи, барча ўт-олов манбаи, янада аниқроғи, тарихан ушбу образ қуёш маъбудиди ҳисобланган. “Гўрўғли” дostonларида қахрамонга айнан Хизрнинг ҳомий сифатида келишининг туб асослари ҳам ана шу кўхна тасаввурлар тизимининг меваси ҳисобланади. Дoston ибтидосида Гўрўғли қуёш маъбудининг ўғли деб кўрсатилиши ана шундан.¹ Айрим олимлар Гўрўғли номини “қўр”, яъни олов ўғли деб ҳисоблашади.

Баъзи олимларнинг фикрича, “иссиқлик”, “олов кучи” маъноларини англатувчи “хиз” сўзи “Хизр” атамасининг келиб чиқиши учун асос бўлган бўлиб, унга “эр”, “эркак”, “одам” маъноларини билдирувчи “ар” сўзи қўшилган.²

Қадимги грек-юнон мифларида олов қуёшнинг бир парчаси деб кўрсатилади. Уни Прометей қуёшдан ерга олиб тушгани ҳикоя қилинади.

“Авесто”да Митра – қуёш худоси сифатида кўрсатилади. У бахт-саодат рамзи ҳисобланади.

“Одамнинг яратилиши” ҳақидаги афсоналарда шайтоннинг ва дев-париларнинг оловдан яратилгани учун тупроқдан яратилган одамга сажда қилишни хоҳламагани ҳикоя қилинади.

Этнограф Ю.В.Иванова “Маросим олови” мақоласида қадимги одамлар учун қуёш – осмон, яшин – ер билан осмон ўртасидаги оловлар ҳисобланиб, улар доимо ўзаро алоқада бўлган. Айрим олимлар христиан динининг рамзи бўлган хочни ҳам олов пайдо қилиш учун ясалган қадимги мосламадан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар, деб ёзади.

Оловни ардоқлаш, унга сиғиниш – Зардушт дини, қадимги туркий халқлар ҳаётида ҳам жуда ривожланган. Масалан, Наршахий маълумотларига кўра, Муқанна ўзини уч кун қизитилган тандирга ташлайди. Сабаби, осмонга чиқиб, олов фаришталарини олиб келиб, ўз душманларини енгмоқчи бўлган.

Этнография фанида ўчоқ эгаси бўлмиш руҳ аёл жинсидан деб тасаввур қилинганлиги аниқланган.

Олов култи дарахтларга сиғиниш ва энг муҳими, ҳосилдорлик култи билан боғлиқ – Қуръони Каримнинг «Ёсин» суррасида Оллоҳ ҳақида: «У сизлар учун ям-яшил дарахтдан олов пайдо қилган зотдир», – дейилган.

С.Ш.Чагдуров талқинича, хат – олов ва ун – суффиксидан ясалган хатун сўзи қадим туркийча – олов бекаси деганидир.³

¹ Қаранг: Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари.– Т.: Фан, 2011.– 240 б.

² Юқорида кўрсатилган китобдан олинди.

³ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: Фан, 2010. – 308 б.

Аёлнинг олов бекаси эканлиги ўзбек эртақларида жуда равшан кўринади. Хусусан, кўпгина эртақлардаги сеҳрли шамчиноқлар детали ва оловни кўриб ўтирган кампирнинг олдига келган қахрамоннинг (одатда, кизларни) соч қаратиш баҳонаси билан қонини сўриши олов культининг изларидир. Бу кампир қадим тассавурлардаги олов илоҳаси бўлиб, унинг олдига келган қиз оловга қилинган қурбонлик рамзидир. Олов культидан деҳқончиликда ҳам кўп фойдаланадилар. Бунинг излари ҳозирги пайтда болалар орасида сақланиб келаётган “Бобо деҳқон” ўйинида ёрқин кўринади. Болалар баҳор ва ёз оқшомларида гулхан атрофида йиғилиб, давра қуриб ўйнайдиган “Бобо Деҳқон” ўйинига кўра, улар олдига новда ва япроқлардан устига махсус кийим кийган Бобо Деҳқон тусидаги бола елкасида яна бир кичкина болани кўтариб олганича келади-ю, хизмат – юмуш сўрайди. Болалар ундан баракали ҳосил тилайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар;

1. Турдимов Ш. “Тўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари.– Т.: Фан, 2011.– 240 б.
2. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: Фан, 2010. – 308 б. 2. Н Н Akhmadovich Khoja nasriddin afandi as people’s hero . AKADEMICA : AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11(2).1562.
3. Т. Khoja o’g’li, K H Ahmadovich Advanced Characteristiks of the Tradition of Using Uzbek Folk Humor Art in Written Literature. Amerikan Journal of Social and Humanitarian Research 3 (9).1-4.
4. K K Akhmadovich, NS Ubaydullayevna THE PRACTICAL SIGNIFICANCE OF EDUCATIONAL INTEGRATIONS IN THE FORMATION OF INDEPENDENT WORK IN PRIMARY GRADES. Conferencea, 66-75..
5. K K Akhmadovich, O B Togmurodovich NEW STAGES AND PRACTICAL CONDITIONS FOR CREATING NATIONAL TEXTBOOKS AND ALPHABET BOOKS. Conferencea, 54-58.
6. K K Akhmadovich, SG Badriddinnovna THE CONCERT OF READING, SPECIAL FEATURES OF CHILDREN’S READING E Conferencea, 28-33.
7. K K Akhmadovich, N O Alisherovna THE AESTHETIC VALUE OF LINGUISTIC FLORIONYMS IN WORKS OF ART IN AROUSING LAUGHTER 59-63.
8. K K Akhmadovich, O B Togmurodovich THE ISSUE OF THE CONTENT OF EDUCATION IN THE HISTORY OF THE PEOPLES OF THE EAST Conferencea, 95-101.
9. K K Akhmadovich, S G Badriddinnovna HISTORICAL GENESIS OF UZBEK CHILDREN’S READING, PRINCIPLES OF DEVELOPMENT AND AESTHETIC EXPE=RESSION OF NATIONALITY IN THEM E Conference Zone, 47-51.

10. K K Akhmadovich, N O Alisherovna THE PROBLEM OF AROUSING LAUGHTER IN UZBEK PROSE BASED ON LINGUISTIC FAUNIMS Conference 90-94.
11. Адизова Н., Ибрагимова Ф. Boshlang'ich sinflarda o'quvchilar bilimini baholashda pirls dasturi //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 106-111.
12. Адизова Н., Мустафаева О. Noan'anaviy ta'lim texnologiyalari asosida sinfdan tashqari o'qish mashg'ulotlarini tashkil etish //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 4/S. – С. 344-349.
13. Adizova N. B., Ibragimova F. EFFECTIVE MEASURES FOR DEVELOPING THE PROCESS OF NATIONAL EDUCATION OF CHILDREN IN THE FAMILY //Open Access Repository. – 2022. – Т. 9. – №. 04. – С. 130-133.
14. Adizova N. B., Husenova D. TECHNOLOGICAL APPROACH TO THE ORGANIZATION OF PRIMARY EDUCATION FACTOR OF EDUCATIONAL EFFICIENCY //Open Access Repository. – 2022. – Т. 9. – №. 04. – С. 126-129.
15. Adizova N. B., Nusratova S. THE ESSENCE OF MODULE EDUCATION IN TEACHING PRIMARY SCHOOL STUDENTS TO INDEPENDENT THINK //Open Access Repository. – 2022. – Т. 9. – №. 04. – С. 134-137.
16. Adizova N. BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARIDA KREATIV FAOLLIKNI SHAKLLANTIRISHNING DIDAKTIK VOSITALARI: XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI //Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 2.
17. Jumayev, Ruzokul. "Sadriddin Ayniy asarlaridagi joy nomlarining tahlili." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 23.23 (2022).
18. Jumayev, Ruzokul. "САДРИДДИН АЙНИЙ АСАРЛАРИДАГИ АРАБЧА ТОПОНИМЛАР." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 23.23 (2022).
19. Xoliqulovich J. R. SADRIDDIN AYNIYNING "ESDALIKLAR" ASARIDA ANTROPONIMLARNING LEKSIK QATLAMLARI: Jumayev Ruzokul Xoliqulovich Buxoro davlat universiteti katta o'qituvchisi //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 3. – С. 34-37..
20. Xoliqulovich, Jumayev Ruzokul. "Using anthropometric units in" Esdaliklar" by Sadriddin Ayniy." *European Journal Of Innovation In Nonformal Education* 2.2 (2022): 295-298.
21. Jumayev, Ruzokul. "SADRIDDIN AYNIYNING "ESDALIKLAR" ASARIDA OYKONIM TURLARINING QO 'LLANISHI." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 7.7 (2021).
22. Jumayev, Ruzokul. "САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ ОДИНА ҚИССАСИДА НОМ ҚЎЙИШ САНЪАТИ." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 2.2 (2021).
23. Xoliqulovich, Jumayev Ruzokul. "Influence of Sadriddin Aini life and works in spiritual and moral development of students." *Middle European Scientific Bulletin* 11 (2021).

24. Jumayev, Ruzokul. "Joy nomlarining tarkibiy tahlil usullari." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 2.2 (2020).
25. Jumayev R. SADRIDDIN AYNIIY ASARLARIDA AGORONIMLARNING LEKSIK TAHLILI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 27. – №. 27.
26. Jumayev R. SADRIDDIN AYNIIY ASARLARIDA TOPONIMLARDAN STILISTIK MAQSADLARDA FOYDALANISH //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 27. – №. 27.
27. Jumayev R. САДРИДДИН АЙНИЙ АСАРЛАРИДАГИ АДАБИЙ (БАДИИЙ) ТОПОНИМЛАР //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 27. – №. 27.